

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ЎЗБЕК АДАБИЙ МУҲИТИДА
ТАЖРИБА ВА АНЪАНА ЯХЛИТЛИГИ**

Ибрагимова Раъно Исаковна

*Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар
институтини проректори, филология фанлари доктори (PhD)*

Адабий талқин мақсади ижодий индивидуал ва типологик муштарак хусусиятларни бир-бирига улайди, бинобарин, қисм ва бутун алоқаси узвий давом этадиган жараён, ижтимоий идеал ва умуминсоний қадрият чорраҳада кесишадиган ҳодиса воқе бўлиш хусусиятлари поэтик муддаони аниқлашга хизмат қилади. Ғоя ҳамда унинг ҳаракатдаги ифодаси аслида инсонпарварлик мафкураси барқарорлашувини таъминлаш вазифасини ўтайди. Унда поэтик муддао вазифа ва услубни жиқслаштиради. Айнан, адабиёт – инсониятни гўзалликка ошно қилади, руҳий-маънавий оламини бойитади, туйғуларини тарбиялайди. Адабиёт бутун халқ учун бирдек муқаддас, азиз, оромбахш кувват-манбадан иборат. Унда инсон нозик инжа сирлари, ҳис-туйғулари, орзу-армонлари акс этади. Мустақиллик шарофати билан маданий ҳаётда юз берган янгиликлар жараёни бадиий адабиётда ҳам ўз ифодасини топди. Юртимизда илм-фанга, адабиёт ва санъатга катта эътибор қаратилиб, давлат миқёсида жиддий аҳамият берилаётгани туфайли бадиий адабиётнинг ғоявий йўналиши, мавзу қамрови ҳамда поэтик ҳажми янги босқичга кўтарилаёзди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришуви муносабати билан истиқлол адабиёти шаклланиб, ривожлана бошлади. Бу давр адабиёти тафаккурда эврилишлар юзага келиши, миллийлик, халқчиллик, мафкуравийлик тамойиллари кучайганлиги билан бошқа давр адабиётидан тубдан фарқ қилади. Инсонни англаш, унинг руҳий дунёси, ички кечинмалари, ақлий фаолияти, ҳаёт тарзи, орзу-интилишларини бадиий ифодалаш жорий давр адабиёти босқичи ва унинг таркибий қисми етакчи хусусиятини белгилайди. Бевосита миллий ғоя ва мафкура шароитида маънавиятга эътибор анча

кучайди, маданий-руҳий кадриятларни ҳар томонлама ўрганиш ва оммалаштириш имконияти туғилди. Бу давр вакиллари мустақиллик мавзусидаги ижод намуналарида миллатимиз тарихини ҳаққоний ва мукамал ўрганиш ғоясини илгари суришди ва асарларида тарихий образлар моҳиятини ёритишди. Уларнинг севги, нафосат, табиатга муҳаббат туйғулари билан йўғрилган ижод намуналари орасида Ватанга муҳаббат, ҳалоллик, инсоний туйғулар тараннум этилган ижод намуналарининг салмоғи ошди.

Мустақилликка эришгач, халқимизнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида янги давр бошланди, маънавият масалаларига эътибор ҳар қачонгидан ҳам кучайди. Миллий маънавият масаласи ҳар бир даврда ўзгача тарзда шаклланиб, ўзгариб боради, чунки маънавият асрлар оша ҳар миллат қалбида шаклланиб келаётган тарихий жараён саналади. Адабий ҳаётда янги тафаккур йўсини ва тамойилларни давр руҳияти эҳтиёжга айлантираёзди.

Бир-биридан узоқ ҳудудларда жойлашган халқлар бадиий маданияти ўзаро алоқалари, адабиётлараро бири иккинчисига таъсири, акс таъсирланиш жараёни миллий маънавиятлар тараққиётини белгилаш баробарида жаҳон адабиётининг ҳам сифат-мазмун жиҳатдан янги тараққиёт босқичларини ҳам тайин этади.

Сўз санъатида азал-азалдан ёзилмаган бир қонуният бор. Хусусан, катта адабиётни беназир истеъдод эгалари – катта шахслар яратади. Бу ҳодиса, аввало, сўз санъаткорининг истеъдод даражаси ва шахслик миқёси, нуқтаи назари билан адибнинг эстетик ғоялари, қарашлари бадиий образларга сингдирилган ҳолда ифодалангани боис, юксак кадр-қиммат топади. Бетакрор мазмун-моҳият касб этади. Эстетик ҳодиса сифатида бадиий маданиятда янги саҳифа бўлиб қолади. Фитрат, А. Қодирий, Чўлпон, Ойбек, М.Шайхзода, Миртемир, Зулфия, И.Султон, А.Мухтор, О.Ёқубов, П.Қодиров, Р.Парфи, Ш.Холмирзаев, Ў.Ҳошимов, А.Орипов, Ж.Камол, Н.Аминов сингари ижодкорлар ижоди нафақат туркий халқлар адабиётида, шунингдек, жаҳон бадииятида ҳам бетакрор сўз санъатини тарғиб этади.

Ҳозирги замон адабиётшунослигида адабий жанрлар шаклланиши ва янги бадиий шаклларнинг юзага келишида ижодкор поэтик маҳоратининг

Ўрни масаласини поэтик тафаккур эволюцияси билан бевосита боғлиқликда тадқиқ этиш тамойили кучайди. Шеърятдаги янгиланишларни ўзида ифодалаган метареализм, континуализм, полистилистика каби йўналишларни тадқиқ қилиш асосида олинган илмий хулосалар натижасида жаҳон адабиётининг илғор тажрибалари ва бадиий маданият ютуқларининг ижодий ўзлаштирилиши миллий адабиёт ва шеърятдаги поэтик шаклларнинг камрови кенгайтирилганлиги аниқланди. Дунё халқлари адабиётининг ижодий тажрибалари, поэтик жанр ва шеърый шакллар бадиий тафаккурни янги мазмун билан бойитди ва миллий ўзликни ифода этишнинг янги имкониятларини очиб берди. Шу тариқа адабиётнинг ҳозиржавоб тури бўлган лирика ўзбек халқининг ҳаётига хос ижтимоий қарашлар ҳамда маънавий-интеллектуал қадриятлар орқали илгари сурилган масалаларга бадиий йўсинда жавоб беришга, тўғри ечимлар излашга сафарбар этилди.

Ўзбек адабиётида мустақиллик шарофати ва имкониятлари туфайли ҳозирги кунда миллий адабиётнинг ғоявий-бадиий мундарижаси ва барча жанрларида қарор топган такомиллашиш, теранлашиш ҳодисаси тобора кенгайиб, кучайиб бормоқда. Бу хусусиятлар мустақиллик даври адабиёти, поэтик шакллари учун ҳам хосдир. Ўзбек шоирлари Ғарб шеърятининг *сонет, эпиграфия, октава, терцина, элегия* каби жанрлари ҳамда хитой, япон шеърятига хос *хокку, танка* каби жанрларда ҳам куч синаб кўришди. Натижада шеърятимиз хазинасини бойитувчи бадиий баркамол намуналар яратилди. Халқимизнинг маънавиятини юксалтиришга хизмат қиладиган ўзбек шеърятини эзгу мақсадларга қаратилганлиги ва ўзига хос хусусиятларга эгаллиги билан ажралиб туради. Чунки, “...инсоннинг қалби, унинг дарду ташвишларини, халқнинг орзу-ниятларини, Ватанга муҳаббат ва содиқлик ҳиссиётларини акс эттирувчи бетакрор сўз”¹ бўлган бадиий адабиётнинг дунёни, инсонни билишнинг ўзига хос ойнаси, шунингдек, бугунги кунда мамлакатимиз стратегик дастурларининг бири ҳисобланган юксак

¹ Мирзиёев Ш. Адабиёт ва санъат, маданиятнинг ривожланиши – халқимизнинг маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдевори // Халқ сўзи. -Тошкент, 2017. – 4 август.

маънавиятли, ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялашнинг муҳим воситаси эканлиги яна ҳам ойдинлашди.

Жаҳон адабиёти тарихий тараққиётидан маълумки, халқлар ўртасидаги адабий алоқалар турли кўринишларда: бадиий таржима, адабий таъсир, декадалар, ижодий ҳамкорлик, адабий алоқалар, адабий дўстлик каби шаклларда давом этиб келмоқда. Қардош халқлар адабиётини ўрганиш ўша халқ ичида етишиб чиққан адабиёт аҳлининг таниқли вакиллари ҳаёти ва ижоди билан яқиндан танишиш, ўқиб-ўрганишга имкон яратди. Улар ўша халқ шоирлари ижодидан илҳомланганлар, баъзиларини ўзларига устоз санашган. Шу ўринда Ҳазрат Алишер Навоий ижодидан қардош халқлар ижодкорлари илҳомланиб, асарлар ёзганини, айниқса бир-бирига жуда яқин бўлган қорақалпоқ адабиётида Бердақ шоир ва туркман адабиётида Махтумқули кабиларнинг Навоий ижодидан баҳраманд бўлганлигини, улар яратган асарлардан ва уларнинг мазмун-моҳиятидан билиб олиш мумкин. Бу ҳақда адабиётшуносликда бир қатор илмий-назарий асарлар яратилгани фикримизни далиллайди.

Адабий алоқалар масаласи адабий жараён тараққиётида халқлар дўстлигини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам жамият тараққиётининг ҳамма босқичларида адабий алоқаларни ҳар томонлама ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратилган. Адабиётлараро кечадиган янгилаш ва ўзгаришлар бир-бирига яқин ёки узоқ бўлишидан қатъи назар истеъдодли ижодкорларнинг янгича йўл билан изланишлари самараси ҳисобланади. Айни дамда адабий алоқаларнинг ўзаро муомала-муносабати ва бу жараёнда кимдандир ниманидир ўрганиш юзага чиқади. Қардош халқлар адабиёти узоқ тарихий даврлардан буён ўзаро яқин адабий алоқалар туфайли бири иккинчисининг адабий муҳотида юз берган ходисалардан, бебаҳо адабиёт дурдоналари мазмун-моҳиятидан бохабар бўлиб келмоқда. Ҳар қандай миллий адабиётда буюк сўз санъаткорлари бўлиши табиий. Улар ўзлари мансуб бўлган адабиёт тараққиётига ҳисса қўшиб

қолмай, жаҳон маънавий-маърифий тафаккури ривожда ҳам беқиёс роль ўйнайди ва воситачиликда дунё маданияти тарихи хазинасига киради.

Асрлар оша давом қилиб келаётган адабий алоқалар ҳақида гап кетганда, “Навоий ижоди ва қорақалпоқ адабиёти” мавзусини четлаб ўтиш мумкин эмас. Қ.Мақсетов “Қорақалпоқ адабиётининг қардош халқлар адабиёти билан алоқалари” асарида: “Навоий асарлари бутун дунё адабиётига қўшилган хазина. Унинг ҳар бир сўзи, ҳар бир асари узоқ даврлардан ҳозирги кунгача муқаддас бўлиб келмоқда. Навоийга, унинг асарларига бўлган ҳурмат ҳеч қачон ўлмайди, узоқ асрлар мангу яшайди. Қорақалпоқ адабиётшунослари Навоийни ўқийди, ундан ўрганади. Уни ўз устози сифатида тан олади»²,– дея баҳо беради. Кунхожа, Ажинияз, Бердақ шоир, Ўтеш ва Умар бахши ижодида Навоий асарларининг ўрни беқиёсдир. Шоирлар ижодига назар ташлар эканмиз биз бунга кўплаб мисоллар топамиз.

Ўзбек халқи Бердақ шеърларини Миртемир таржимасида ўқишга муяссар бўлган эди. Миртемир ижодида қорақалпоқ адабиёти катта ўрин эгаллайди. Миртемир ўзининг барча ижодий сафарларида бутун вақтини халқ ҳаёти, адабиётини ўрганишга бахш этган шоир. Шу сабабли, бу даврлар шоир ижодида изсиз кетмаган. Унинг ижодида қорақалпоқ мавзусида жуда кўплаб шеърлар, шеърый тўпламлар яратилган. Ўзбек ва қорақалпоқ адабиётида адабий, дўстона алоқаларнинг ривожланишига жуда катта ҳисса қўшган истеъдод соҳиби ҳисобланади.

Ҳозирги адабиётимизда турфа мавзулар, жанрлар, лирик қаҳрамон масъулияти ва вазифалари ҳам ўзгариб бораётганлигини, адабиётнинг янги-янги қирралари кашф қилинаётганлигини кўришимиз мумкин. Бунинг асосий негизида истиқлол йилларида мамлакатимизда яратилган жуда катта имкониятлар, шунингдек, инсоннинг воқеликка муносабати, давр фарзанди сифатидаги қиёфаси, ҳис-туйғулари тадқиқи бадиий тафаккурнинг марказига қўйилганлиги ва миллий ғоя ва мустақиллик мафқураси бугунги

²Мақсетов Қ. Қорақалпоқ адабиётининг қардош халқлар адабиёти билан алоқалари.-Нукус. “Қарақалпақстан», 2007. 32-бет.

адабиётимизнинг асосий моҳиятини белгилаб берувчи омил бўлиб қолганлигидадир. Мустақиллик йилларида миллий истиқлол, эркинлик озодлик ва миллий мафкура ғоясини тарғиб қилиш асосий вазифалардан бирига айланган бир даврда, бу давр ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий ҳаётидаги ўзгаришларни халққа етказиб беришда адабиёт аҳлининг хизматлари беқиёс.

Миллий маданият ва адабиётларнинг юксалишида муҳим омиллардан ҳисобланган ўзаро алоқалар таъсири ҳамда бир-бирини бойитиб бориш жараёни кўп миллатли адабиёт ва санъатни бир-бирига яқинлаштириб келган. Истиқлол даври адабиётининг мазмун моҳиятини очиб беришда айниқса, катта авлод вакиллариининг ҳиссаси жуда катта, улар ўзлари гувоҳ бўлган тузум, адабий жараён ҳақида бор ҳақиқатни бадиий тарзда ифодалаб беради. Адабиётдаги янги босқич реал воқелик асосида, лирик қаҳрамонлар кечмишида ҳаққоний акс этади. Бу уларнинг ўзлари босиб ўтган катта ижодий йўлининг, ўтмишнинг мазмун-моҳияти, ўз ҳаёти ҳақидаги таҳлилий фикрларида, адабиётга янгича муносабатида ифодаланган.

Истиқлол йилларида миллий қадрият, миллий мафкура, миллий ғоя каби масалалар энг муқаддас ва долзарб, ўзликни англашдаги бетакрор маънавий-ахлоқий тушунчаларга айланди. Бу борада жуда кўплаб бадиий, илмий асарлар яратилдики, бу асарларнинг ўзига хос залвори адабиёт ихлосмандларини ўзига жалб қилиб, янги-янги ғоялар пайдо бўлишига, янги-янги мавзуларда асарлар яратишга замин бўлмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш. Адабиёт ва санъат, маданиятнинг ривожланиши – халқимизнинг маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдевори // Халқ сўзи. -Тошкент, 2017. – 4 август.
2. Мақсетов Қ. Қорақалпоқ адабиётининг қардош халқлар адабиёти билан алоқалари.-Нукус. “Қарақалпақстан», 2007. 32-бет.
3. Ёқубов И. Бадиий – эстетик сўз сеҳри. – Тошкент: ФТМ. 2011. – 476 б.